Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

✦ 11 апрель 1973 йил, чоршанба ✦ № 85 (15.559). ● Баҳоси 2 тийин.

*

Бу йил 64 гектар майдондан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олган Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози пахтакорлари чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш учун курашмоқдалар. Суратда: (чапдан) звено бошлиғи Темур Нурматов ва сеялкачи Қовунбой Холматовлар ўруғлини кўздан кечирайтган пайт.

ҒАЛЛА ФАБРИКАСИ

ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Кейинги кунлардаги ёғингарчиликлар далаларга файз киритди. Қир-адирларда ўт-ўланлар яшнаб, ғаллазорларда майсалар дуркун бўлиб ривожланяпти.

Совхозимиз ғаллазорлари ҳам ям-яшил либосга бурканди. Кўк майсалар кунда бир яшнаб ривожланяпти. Совхозимиз йирик элита — уруғчилик хўжаликларидан бири саналади. Ҳар йили Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё областларининг кўпгина хўжаликларига бугдойнинг «Қизил Шарқ», «Олтин бугдой», «Безостая-1», «Сурхак» ва арпанинг «Унумли арпа», «Тошкаллак», «Қарши» навларидан уруғлик дон етказиб беради. Шунинг учун фахрланиб уни «Ғалла фабрикаси» деб аташади.

Ўтган йил кузда 18 минг 500 гектар майдонга оби-тобида уруғ ташлаган эдик. Ғаллакорлар қиш ойларида иш жойларини техника устахоналарига кўчирдилар. Қишлоқ хўжалиги техникасини ремонт қилдилар. Устахонада комбайнлар, сеялкалар, тракторлар, борона ва бошқа техника ҳамда механизмлар шай ҳолга келтирилди.

Ғаллазорларда баҳорги ишлар қизғинлик юборилди. Деҳқонлар ғалла майсаларини бороналаш, ўғитлаш ва гербицидлар билан қайта ишлашни кучайтирмоқдалар.

Бороналаш сифатли ва ўз вақтида ўтказилса, ҳосилга-ҳосил қўшилади. Тупроқда намнинг узоқ муддат сақланишига, ғалла майсаларининг илдизини юмшатиб, яйраб ўсишига катта имкон беради. Ҳозир бороналашнинг айни пайти. Шунинг учун совхозимиз ғаллакорлари кун сайин кўпроқ майдондаги ғаллазорларни бороналаб, қиш бўйи зичланиб қолган тупроқни юмшатмоқдалар. Ғаллазорларда 15 та трактор бороналашда қатнашяпти. Кейинги кунларда бўлиб ўтган ёғингарчиликлардан сўнг катта майдонларда қатқалоқ пайдо бўлиш хавфи туғилди. Шунинг учун бундай майдонлардаги ғалла майсалари қайтадан бороналанди.

Лалмикор майдонлардаги ғаллазорларни ўғитлаш ҳам яхши самара беряпти. Ўтган йилларда совхоз ғаллакорлари майсаларни эрта баҳорда самолётлар ёрдамида ўғитлаб, ҳосилга-ҳосил қўшган эдилар. Ҳозир совхоз ғаллазорлари тепасида самолётлар учиб юрибди. Ҳар гектар майдонга 1 центнердан суюқ аммиак селитраси сепилмоқда. Ғалла майсаларини эрта баҳорда ўғитлашда гап кўп. Чунки, ҳозир сепилган ўғит ёғингарчиликлар ёрдамида ернинг пастки, майсаларнинг илдизи жойлашган қисмига тез сингиб борадя ва экининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Деҳқонларимиз бу йил 9 минг 300 гектар майдондаги ғаллазорларга самолётлар ёрдамида минерал ўғит сепадилар. Минерал ўғитлар пешма-пеш тайёрлаб бериляпти. «Қанотли ёрдамчилар» ҳар куни 250-300 гектар майдонга ўғит сеяпти.

Бегона ўтларга қарши гербицидлардан самарали фойдаланилмоқда. Гербицидлар билан қайта ишланган майдонларда бегона ўтлар бутунлай йўқолади ва ғалла майсаларининг эркин ўсишига имкон яратилади.

8 минг гектар майдондаги майсалар гербицидлар ёрдамида ўтоқ қилинди. Гербицидлар ҳам самолётлар ёрдамида сеяилмоқда. Ўтган йиллардаги тажрибалардан маълумки, гербицидлар билан қайта ишланган майдонларда ҳосил 3-4 центнерга ошади, донининг сифати яхшиланади ва тозалаш учун ортиқча харажатларга барҳам берилади.

Бундан ташқари ғаллакорларимиз ҳосилни оширишнинг бошқа йўлларини ҳам қидириб топмоқдалар, резервлардан самарали фойдаланяптилар. Хўжалигимизда 5 та комсомол-ёшлар бригадаси ташкил этилиб, суғориладиган ерлардан 60-80 гектари биркитиб қўйилди.

Совхозимизда 2 минг гектарга яқин майдондаги ғаллазорларни суғориш мумкин. Бу майдонларнинг ҳар гектаридан 25-40 центнердан дон ҳосили кўтариш мўлжалланяпти. Лекин ғаллакорларимиз имкон борича кўпроқ майдонларни сел сувлари билан суғориш, лалмикор ерларга ҳам насослар ёрдамида сув чиқариш йўлларини қилирмоқдалар.

Ғаллакорларимиз 18 минг 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 12 центнердан дон ҳосили кўтариш, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажариш учун барча агротехника тадбирларини маромида ўтказиш ҳаракатида меҳнат қилмоқдалар.

П. СТРЕЛЬЦОВ,
Қашқадарё область Камаши районидаги Карл Маркс номли ғаллачилик совхози, иккинчи бош агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

* **Донни янада кўпайтириш учун**

* *Баҳорнинг қизғин дамлари*

* Чигит экиш авжида

* **Гербицидлар тупроққа чигит билан қўшиб солинмоқда**

БАРАКА УРУҒИ ЕРГА ТУШДИ

Фарғонадаги «Қувасой» совхозининг механизаторлари ёппасига чигит экишни бошлаб юбордилар. Ҳозир 50 та экиш агрегатининг ҳаммаси далаларда ишлаб турибди. 4176 гектар пахта майдонининг ҳаммасига бу йил биринчи марта минерал ўғитлар ва гербицидлар тупроққа уруғлик чигит билан бирга солинади. Бултурги тажриба бу янги усулнинг ҳосилдорликни ошириш билан бирга меҳнатсарфини тежашга имкон бергандигини кўрсатди. Чунки пахта майдонини икки марта ўтоқ қилишга, ҳожат қолмайди, шу туфайли ҳар гектар пахтазорда ўтоқ қисқартирилганлиги сабабли 50 сўмгача маблағ тежалади.

Бу йил баҳорда Қува, Ленинград, Олтиариқ ва бошқа районларнинг пахтакорлари ерларнинг бегона ўтларини мана шундай химиявий усул билан йўқотишни кенг равишда амалга оширадилар. Чигит экиш чоғида етмиш минг гектар ерга, яъни бутун пахта майдонининг учдан бир қисмига гербицидлар солиш мўлжаллаб қўйилди. (ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЛАР МАМНУН

УСТАХОНАДАН РЕПОРТАЖ

✦ ✦

Сир қирғоқлари яшил ранг олди. Майса ҳиди келмоқда. Ўтган йил қўриқ области энг юқори ҳосил кўтарган — Сирдарё районидаги далаларига трактор, сеялкалар чиқди.

«Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг ҳовлисида бош инженер Ли Чунни учратдик. У ремонтдан янги чиққан тракторни Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхозининг экспедитор-инженери Раҳимжон Абдикаримовга топшираётган экан. Ёнида шу тракторни ремонт қилган слесарь Турғунбой Жўрабоев, цех мастери Анатолий Самойличенко турибди.

— Қандай эътирозларингиз бор, айтинг?

Колхоз инженери машинанинг ҳар бир қисмини синчиклаб, текширди. Сўнг бошини кўтариб, ремонтчиларга мамнун қаради:

— Раҳмат, ҳалол ишлабсизлар. Камида тўрт йил «инжиқлик» қилмай ишлайди бу машина. — У тракторни қабул қилиб олиш ҳақидаги ҳужжатга қўл қўйди.

Устахоналар ёруғ, озода. Эҳтиёт қисмлар, ремонтдан чиққан машиналар жой-жойида саришта, саранжом. Экиш мавсумида район далаларида ишлаётган 229 чопиқ трактори, 186 ҳайдов трактори, 226 плуг, 205 сеялка, 88 чизел ва 1105 комплект боронанинг ҳаммаси шундай ремонт қилинган. Пахта териш машиналари ҳам комиссия томонидан қабул қилиб олинибди. Ҳозир устахоналарда пичан ўрадиган ва қўрак терадиган машиналар, Фарғона, Қорақалпоғистондан келтирилган двигателлар ремонт қилинмоқда. Мирвали Саломов, Умматкул Суярқулов каби ремонтчилар тез, соз ишлаб, ҳамкасбларига намуна кўрсатишмоқда. Бирлашма коллективи кварталлар планини аллақачон бажариб қўйган.

«Ўзсельхозтехника» Сирдарё район бирлашмаси устахоналарида бошқа областларга намуна бўладиган кўпгина янгиликлар қилинмоқда. Ҳамма цехлар реконструкция қилинган. Ҳар бир уста агрегатнинг бир қисмини ремонт қилади. Шу сабабли, унинг иш сифати юқори. Агар агрегат бир ремонтчига топшириб қўйилса, у бир қисмни яхши билади — шуни сифатли ремонт қилади, бошқа қисмларни эса нариги-бери тузатиши мумкин.

Экиш-тикиш даврида ҳар бир соат ғанимат. Далаларга агрегатларнинг бирон қисми ишдан чиқиб қолиши мумкин. Уни устахонага олиб келиш учун анча вақт керак. Шу сабабли, бирлашма коллективи учта кўчма устахона ташкил этди. «Малик» совхози бунга муҳтож эмас. У хўжаликда эҳтиёт қисмлар, усталар, устахоналар ҳам етарли. Бу кўчма устахона райондаги қолган саккизта хўжаликка хизмат қилмоқда. Кўчма авто устахонада бир мастер, слесарь ва унинг ёрдамчиси бор. Машинада эҳтиёт қисмлар, аккумуляторни текширадиган ускуналар, электр ускуналар комплекти доим тайёр туради. Бу кўчма устахоналарга тажрибали, малакали механизаторлар Бешмат Ғуломов, Геннадий Колбасин ўртоқлар раҳбарлик қилишмоқда. Улар бузилиб қолган машиналарни далаларнинг ўзида узоги билан икки-уч соатда тузатиб беришади.

Устахоналарда шу кеча-кундузда етмиш беш механизатор ишламоқда. Уларнинг унумли меҳнат қилиши, дам олиши учун қулай шароитлар яратилган. Цехлар ёзда салқин, қишда иссиқ. Озода. Эҳтиёт қисмлар кранлар ёрдамида керакли жойга ташиладн. Иш бир сменада. Ремонтчилар учун махсус ошхона ишлаб турибди. Бирлашма маъмуриятн ишчиларнинг яхши дам олишлари учун Сирдарё бўйида дам олиш зонаси қурди. Сўлим соҳилдаги бу истироҳатгоҳда шахмат-шашка, биллиард ўйнайдиган жойлар, кутубхона, катта ошхона бор. Болалари билан келиб дам олишни истаган ремонтчилар учун уч-тўрт хонали коттеджлар қурилган. Балиқ ови ишқибозлари учун қайиқчалар, дарёда сайр қилиш учун моторли қайиқ сотиб олинди. Булар ҳаммаси ремонтчиларнинг янада унумли ва сифатли ишлашларига имкон бермоқда.

— Шу сабабли биз районимиз хўжаликларидаги барча қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиб бўлиб, — деди бош инженер Ли Чун, — ҳозир Мирзачўлдаги янги совхозлар ва Арнасой зонасидаги хўжаликларнинг техникасини ҳам тайёрлаб беряпмиз. Деҳқонларимиз устахона ишидан мамнун.

С. НУРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЗАРБДОРЛАР

ОҚДАРЁ. 1420 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз! Карл Маркс номли колхоз деҳқонларининг бу йилги шиори ана шундай. Улар чигит экишни районда илғор хўжаликлар қатори барвақт бошлаган эдилар. Шу кунларда ерга уруғ қадаш янада қизитиб юборилди. Темир Саидов, Ғафур Ғадоев, Мажид Муродов бошлиқ бригадаларда чигит экиш тугалланди.

Р. АМИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

●

ШОФИРКОН. Колхоз тузумининг ветеранлари Ҳайдар ота Иброҳимов ва бригада бошлиғи Мирқул бобо Миржоновлар пенсияга чиққан бўлсалар ҳам, уйда бекор ўтиришни исташмади. Улар колхоздан 20 гектар ер ажратиб олиб, янги боғ тоҳзор қилмоқчи бўлишди.

Колхоз правлениеси уларнинг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади. Натижада янги боғдорчилик бригадаси ташкил топди. Бригадага Ҳайдар ота Иброҳимов бошчилик қилмоқда. Пенсионерлар бу йил 1000 тупдан зиёдроқ мевали дарахт ниҳоллари ўтказишди. Кўчатлар яхши парвариш қилинаётир.

Р. МАЪМУРОВ,

●

ИШТИХОН. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, «Халқобод» колхозининг моҳир сигир соғувчиси Иззатой Қорабоева ўз боқимидаги соғин сигирларни яхши парвариш қилиб, улардан кўплаб серқаймоқ сут соғиб олаётир. У ҳар бир сигирдан 4 минг литрдан, жами 40 тонна серқаймоқ сут соғиб олишга аҳд қилган.

Б. ОТАМУРОДОВ.

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

БУХОРО, 9 апрель. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Бухоро шаҳри партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Х. Камолов «Бухоро ип-газлама комбинати қурилишини тезлаштириш ҳамда 1973 йилги халқ хўжалик планида кўзда тутилган қувватларни ишга туширишни таъминлаш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

Йиғилишда СССР қурилиш министри Г. А. Караваев ҳамда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзладилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Марцинюк, СССР енгил саноат министрининг ўринбосари В. С. Аникин қатнашдилар.

Актив йиғилиши муҳокама этилган масала юзасидан резолюция қабул қилди. Унда айтиладики, йил охиригача Бухоро ип-газлама комбинатида 150 минтга йигирув урчуғи ва 1600 та тўқув станоги ишга туширилади.

*

Маккажўхори — ҳам дон, ҳам мўл-кўл чорва озуқасидир. Буни яхши англаган Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг маккажўхорикорлари бу йил катта майдонларга маккажўхори экишмоқда. Уларнинг мақсади ҳар гектар майдондан 60 центнердан дон ва кўплаб миқдорда кўк масса етиштиришдир. Суратларда: колхозининг 2- бригадасида маккажўхори экиш пайти.

И. Глауберзон фотолари.

САРА УРУҒ

ТЕРМИЗ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Жданов номли колхозининг Бекниёз Мўминов бошлиқ бригадаси аъзолари Термиз районида биринчи бўлиб ингичка толали пахта чигитини экишга киришдилар. Бу ерда 3 кунда 28 гектар ерга «Термиз-7»и навли ингичка толали пахта чигити экилди. Бригада тракторчиси Азимжон Бойлиев ва сеялкачи Сафар Хўшшиевларнинг кунлик меҳнат унумдорлиги 9 гектардан ҳам ошяпти.

Ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун мусобақалашаётган Хуррам Бўронов бошлиқ бригада аъзолари ҳам ингичка толали пахтанинг «5904-И»и навли чигитини экишга киришдилар. Улар бир ҳафта ичида экишни тўла тугаллашга сўз бердилар.

Колхоз аъзолари беш йилликнинг учинчи — ҳал қилувчи йилида 1550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 33 центнердан ингичка толали пахта хирмони кўтариб, давлатга 5100 тонна ипак пахта топшириб беришга бел боғладилар. Улар майдонларнинг ярмига «Термиз-7»и навли ва қолган ярмига «5904-И»и навли ингичка толали пахта чигити экиб, бегона ўтларга қарши кураш учун кетадиган харажатларни камайтириш мақсадида умумий майдоннинг 50 процентига гербицидлар соладилар. Хўжалик механизаторлари чигит экишни тез кунда тугаллашга ва Май байрамига чигитни тўла ва бир текис ундириб олишга сўз бердилар.



ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида чигит ва маккажўхори экишнинг борыши тўғрисида шу йил 10 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — чигит экилган майдон (гектар ҳисобида); учинчи устун — бажарилиш процента, тўртинчи устун — маккажўхори экилган майдон (гектар ҳисобида); бешинчи устун — бажарилиш процента.

Сурхондарё	51916	41,2	7670	77,2
Наманган	52704	39,4	9268	57,6
Андижон	68398	37,1	9167	102,1
Фарғона	49625	26,3	10528	45,5
Сирдарё	58240	24,5	14256	76,8
Тошкент	30400	21,7	14,113	65,2
Қашқадарё	14304	13,2	6077	51,2
Бухоро	17703	11,5	7292	43,6
Самарқанд	12764	7,3	7230	37,1
ҚҚ АССР	249	0,2	79	0,4
Хоразм	64	0,06	509	4,3
Республика бўйича:	354367	21,3	86189	48,6

ЧЎЛҚУВАРЛАР АНЖУМАНИ

ҚАРШИ, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда қарши чўлини ўзлаштираётган «Каршистрой» бошқармаси ва область сув хўжалиги активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Активда «Каршистрой» бошқармасининг бошлиғи Х. Шоғазатов доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар областда сув тақчиллигини бартараф этиш, Амударё сувини тезроқ даштга оқизиш устида батафсил тўхталиб ўтдилар. Чўлқуварлар ишлар кўламини тез ва ҳам тезлаштириб, Ульянов каналига сув қуядиган тўртта насос станциясини 1 Майгача ишга тушириб даштга сув оқизиш мажбуриятини олдилар. Йиғилишда СССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Е. Е. Алексеевский, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғойибов ўртоқлар сўзга чиқдилар. Актив ишида «Средазирсовхозстрой» бош бошқармасининг бошлиғи Н. Ҳамроев, Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри С. Мамаросулов, «Узглавводстрой» бошлиғи В. В. Чернов ўртоқлар қатнашдилар.

П. ГАДОЕВ.

Н. В. ПОДГОРНИЙ АНТАЛ АПРОГА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИНИ ТОПШИРДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 9 апрелда Кремлда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси давлат мажлисининг Раиси, Венгрия — Совет дўстлиги жамиятининг раиси Антал Апрога Октябрь Революцияси орденини топширди. Антал Апро Совет — Венгрия ҳамкорлигини ривожлантириш, СССР ва Венгрия Халқ Республикаси халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш соҳасидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига 60 йил тўлганлиги муносабати билан шу орден билан мукофотланди.

Н. В. Подгорний орденни топширар экан, бундай деди: совет кишилари ўртоқ Апро Венгрия ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларининг иши учун сабот-матонатли курашчи эканлигини яхши биладилар. Сиз, деб сўзини давом эттирди у, хортистлар режимининг оғир шароитида ўз революцион фаолиятини бошлаган ва мамлакат озод бўлгандан кейин меҳнаткаш халқнинг янги ҳаёт барпо этиш йўлидаги курашига етакчилик қилган венгер подполячи коммунистларининг шонли авлодига мансубсиз, сиз Янош Кадар, Ференц Мюнних ва бошқа ўртоқлар билан биргаликда Венгрия Революцион ишчи-деҳқонлар ҳукуматини ташкил этган ташаббускорлар орасидан жой олдингиз. Бу ҳукумат 1956 йилда контрреволюцион исён кунларида мамлакат меҳнаткашларининг ички ва халқаро реакция бирлашган кучларига берган қатъий зарбасининг ташкилотчиси бўлди.

Партия сизнинг зиммангизга юклаган партиявий, касаба союз, давлат ва жамоат фаолиятининг ҳамма соҳаларида қамиша изчил интернационалист, совет ва венгер халқлари қардошларча дўстлигининг эътиқодли тарафдори сифатида иш кўрдингиз.

Н. В. Подгорний КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиуми номидан Антал Апрони юксак мукофот билан самимий табриклади ва унга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, социалистик Венгрия равнақи, Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Антал Апро орденни қабул қилиб олар экан, ўз ишини тақдирлаганликлари учун, юксак мукофот учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиумига ташаккур изҳор қилди. Мен, деди у, Венгрия Социалистик ишчи партияси тўғрисида Совет — Венгрия дўстлигини ривожлантириш ҳақида, шунингдек менинг бу соҳада шахсан ўйнаган ролим ҳақида айтган самимий сўзлари учун ўртоқ Н. В. Подгорнийга ташаккур билдиришни истаймен. Венгрия коммунистлари, уларнинг партияси совет ва венгер халқларининг дўстлигини, Совет Иттифоқи билан Венгриянинг дўстлигини мустаҳкамлашга ҳамиша интилиб келдилар. Бу мукофот Совет — Венгер дўстлигини мустаҳкамлаш соҳасида хизмат қилаётган барча кишиларга, Венгриянинг бутун меҳнаткаш халқига, бутун партиямизга мансубдир. Биз СССР билан дўстлик сиёсатини давом эттираверамиз деб яна бир марта таъкидлаб ўтишни истаймен ва менинг хизматларимга юксак баҳо берилганлиги учун яна бир марта ташаккур изҳор қиламан.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ҲУЖЖАТЛАРИ АЛМАШТИРИЛМОҚДА

ШАРАФЛИ НОМНИ ЭЪЗОЗЛАБ

НУКУС. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Партия ҳужжатларини алмаштириш коммунистлар ҳаётида унутилмас воқеа бўлмоқда. Бу муҳим иш кучларнинг ўзига хос кўриги ҳар бир партия ташкилоти КПСС XXIV съезди қарорларини қандай амалга ошираётганлигининг талабчан текшируви бўлмоқда. Партия ҳужжатларини алмаштириш бошлаб юборилган Нукус шаҳар ва Кўнғирот районидаги ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларда меҳнат кўтаринкилиги янада авж олди. Коммунистларнинг активлиги, ташаббускорлиги ошди, интизоми мустаҳкамланди. Ҳар бир партия аъзоси кундалик топшириқни ошириб бажаряпти.

Қорақалпоғистон область, шаҳар ва район партия комитетларининг иккинчи секретарлари, ташкилий-партиявий ишлар бўлимлари мудирлари иштирокида яқинда бўлиб ўтган кенгашда ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштиришнинг бориши муҳокама қилинди. Кенгашда ана шу масала ҳақида Қорақалпоғистон область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири М. Лунев доклад қилди.

Доклад юзасидан музокаралар бўлди. Кенгашда партия ҳужжатларини алмаштириш га тайёргарлик ишлари КПСС Марказий Комитети Май Пленуми қарори асосида олиб борилаётгани алоҳида қайд этилди. Область партия ташкилотларида учёт карточкаларига аниқлик киритиш, ҳужжатларни солиштириб кўриш ишлари тугалланай деб қолди. Коммунистлар билан якка тартибда суҳбатлар давом этмоқда.

Кенгашда шунингдек, партия ҳужжатларини алмаштиришга ташкилий-техникавий тайёргарлик ҳам атрофлича таҳлил этилди. Бир қатор район партия комитетларида ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик ва алмаштириш муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар баъзан конкрет хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан уйғунлик яхши боғланмаётир. Чимбой, Хўжайли район партия комитетларида алоҳида хоналар ажратиш ва уларни жиҳозлаш ишлари кечиктириб юборилган. Тахтакўпир, Ленинобод, Шуманай район партия комитетларида эса ҳужжатларни тўлдириш ва янги партия билети тақдим этиш учун ноқулай ва жиҳозланмаган хоналар ажратилган, сейф ва шкафлар ўрнатилган эмас. Кегайли, Ленинобод, Тахтакўпир, Чимбой район партия комитетларида ҳужжатларни тўлдириш учун жалб қилинган кишилар район марказидан 20, 30 километр олисда яшайдилар. Уларнинг тайёргарлиги жуда паст.

Коммунистларнинг расмларини олиш ва тайёрлашда ҳам анчагина камчиликлар бор. Масалан, Амударё районида фотографлар махсус аттестациядан ўтказилмаган. Улар 400 коммунистнинг суратини олишган эди. Бу суратлар яхши тайёрланмагани учун ҳаммаси қайта ишланди.

Кенгашда Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новицкий партия ҳужжатларини алмаштириш даврида, партия раҳбарлиги услуби ва методларини такомиллаштириш учун тўла фойдаланиш ҳақида гапирди.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ОЛДИНГИ САФДА

Улар билан ҳар куни иш устида учрашаман. Бу кишилар заводимизни шаҳардаги энг илғор корхоналардан бирига айлантирган, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун жон қуйдираётган ишчилардир. Коллектив ўртасида энг илғор, ташаббускор, интизомли кишилар ҳам мана шулар. Кўпинча улар партия ташкилотига келиб ё ёки бу иш ҳақида маслаҳат сўрашади, ишлаб чиқаришни юксалтириш тўғрисида ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини айтишади. Яқинда слесарь Жуманиёз Қутлимуродов ҳам ёнимга келиб, дилидаги гапни айтди.

— Акмал, ука, маслаҳат билан келган эдим. Беш йиллик планни тўрт йилда бажараман, деб шахсий мажбурият олганимдан хабарингиз бор. Мана ҳозир декабрь ойи ҳисобига ишлаяпман. Хомчўт қилиб чиқдим, иш шундай давом этаверадиган бўлса, беш йилликни уч ярим йилда ҳам бажаришим мумкин экан. Айтмоқчиманки, корхонада бундай ҳисоб-китоб қилиб юрганлар биргина мен эмас. Сафимиз кенг. Партия ташкилоти ана шу ишни жамласа, унумли ишлашга шароит яратиб берса, демоқчи эдим...

Бу воқеа бир группа илғор тўқувчилар республика меҳнаткашларига қарата мурожаат қилиб, тўқизинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш ҳақида даъват этган кунларда рўй берган эди. Партия ташкилотининг бюроси маъмурият билан маслаҳатлашиб, бу муҳим масалани коммунистлар йиғилиши муҳокамасига киритишни маъқул топди. Партия йиғилишига пухта тайёргарлик кўрилди. Жуманиёз Қутлимуродов каби ташаббускор коммунистлар бу ишга жалб қилинди. Йиғилиш қизғин мунозара билан ўтди. Коммунистлар ҳам унга пухта тайёргарлик билан келган эдилар. Сўзга чиққан ҳар бир партия аъзоси ўз зиммасига янги мажбурият қабул қилар экан, завод ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун таклиф ва мулоҳазаларини ҳам айтди. Жуманиёз Қутлимуродов айтганидай корхонадаги 26 коммунистнинг ҳаммаси ошириллган мажбурият қабул қилди. Корхона бўйича тўқизинчи беш йиллик плани тўрт йилда уддалаш юзасидан янги мажбурият олинди.

Яқинда завод коммунистлари ҳаётида яна бир муҳим воқеа содир бўлди. Уларга янги партия билетлари тақдим қилинди. Урганч шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Л. Асқарова Жуманиёз Қутлимуродовга янги партия билети тақдим этар экан, бу унутилмас кун билан коммунистни қизғин муборакбод қилди.

Жуманиёз Қутлимуродов заводнинг энг илғор ишчиларидан бири. У 1957 йилдан бери слесарь бўлиб ишлайди. КПСС сафига қабул қилинганига етти йил бўлди. Жуманиёз Қутлимуродов ана шу қисқа вақт ичида катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. У ҳозир Урганч шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат. Тошкентдаги олий партия мактабида сиртдан ўқимоқда.

Виктор Сурков Жуманиёз Қутлимуродов билан мусобақалашиб ишлаяпти. У коммунистик меҳнат зарбдори. Ўз мусобақадоши билан бирга шаҳар партия комитетига бориб, янги нусхадаги партия билетини олишга муяссар бўлди. Шу куни Рустам Отабоев, Цой Чан Ок, Очил Эшжонов каби коммунистларнинг ҳам партия ҳужжатлари алмаштирилди.

Партия ҳужжатлари алмаштирилган кун корхонамиз коммунистлари ҳотирасида ўчмас из қолдирди.

А. РАҲМОНОВ,
Урганч ремонт заводи партия ташкилотининг секретари.

ВЕТЕРАНЛАР ДАЪВАТИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXIV съезди белгилаб берган истиқбол йўли совет халқини янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда. Мамлакатимизда бўлгани каби Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам беш йилликнинг иккинчи йили социалистик мажбуриятларини ҳамма соҳаларда ошириб бажариб, ажойиб ғалабаларга эришдилар. Маълумки, тарихий юбилей йилида она-Ватанга 4 миллион 710 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилди.

Республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан тўқизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида янада улкан марраларга отландилар. Республика чорвадорлари яйловларда жасорат намуналарини кўрсатиб, ҳар бир совлиқ ҳисобига ўстиришга биттадан қўзи қолдириш учун қурашаётган бўлса, пахтакорларимиз апрелнинг дастлабки кунларидаёқ бир неча ўн минг гектар майдонга барака уруғини қадашга муваффақ бўлдилар. Бу йил Ўзбекистон меҳнаткашлари 4 миллион 750 минг тонна пахта, 1 миллион 441 минг тонна дон, шу жумладан, 260 минг тонна шоли етиштириш вазифаларини зиммаларига олганлар. 110 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади.

Республика қишлоқ хўжалик ветеранлари — Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институтининг активлари (президиум раиси профессор Э. Юсупов) тўқизинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган улкан вазифаларни бажаришда фаол иштирок этишни ўз ватанпарварлик бурчи деб билмоқдалар. Институт активларининг республиканинг барча қишлоқ хўжалик ветеранларига мурожаатида мана шундай оташин сўзлар бор: «Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида, айниқса, пахтачилик ва чорвачиликда фан-техника ютуқларини кенг жорий этишда, ердан, ўғит ва сувдан рационал фойдаланишда актив қатнашамиз».

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институтининг активлари республиканинг барча ветеранларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпайтириш ва коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишда куч-ғайратларини сарфлашга даъват этадилар.

ШАҲАРКОМ, ОЛИЙ МАКТАБ ВА ФАН

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Ҳозир Самарқандда уч мингдан ортиқ илмий ходим фан ва ўқув-тарбия ишларининг турли соҳаларида қизғин фаолият кўрсатмоқда. Булар орасида 70 киши фан доктори ёки профессор, 960 киши эса фан кандидати ёки доцентдир. Тўрт киши Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзоси. Рақамлардан яққол кўриниб турибдики, Самарқандда фаннинг у ёки бу соҳасида хизмат қилаётган кишиларнинг катта армияси ишламоқда.

Қуйидаги саволлар ўз-ўзидан мантиқан туғилади. Шаҳарда жойлашган ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган ишлар КПСС XXIV съезди қарорлари руҳи даражасидами? Шаҳар партия комитети бу катта ва муҳим соҳага қандай раҳбарлик қиляпти?

Бу икки саволнинг маъзини чақиқ, моҳиятини очиб беришни сўнгсидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Шаҳар партия комитети олий ва ўрта махсус ўқув юртларига, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятига ҳамиша эътибор бериб келяпти. Шу ўтган икки йил мобайнида бюро мажлисларида ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида ўқиш-ўқитиш, ёшларнинг ғоявий-сиёсий чиниқишини ошириш, малакали кадрлар тайёрлашни яхшилаш, илмий-қидирув ишлари сифати ва савиясини кўтариш, бинобарин, бу жабҳадаги асосий эътиборни фаннинг ҳаёт билан, халқ хўжалиги вазифалари билан мустаҳкамлашга оид масалалар ўн марта қараб чиқилди. «Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети партия комитетининг ялпи ҳисоботи», «Шаҳар ўқув юртлари студентларини ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари» ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтларидаги аҳвол, ютуқ ва камчиликлар принципиал равишда, партиявийлик нуқтаи назаридан муҳокама этилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўтган йили февраль ойида шаҳар партия комитети бюро мажлисида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети партия комитетининг ялпи ҳисоботи тинглади. Бу масалани тайёрлашда шаҳар партия комитетининг пленум аъзолари, олий ўқув юртларининг тажрибали олимлари, комсомол активлари фаол иштирок этдилар. Аниқланишича, кўп минг кишилик университет коллективи фаолиятида жиддий нуқсонлар мавжуд, ректорат, аксарият факультетларнинг деканатлари ва партия ташкилотлари ўқув-тарбия ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Университет бўйича ўзлаштиришнинг аҳволи талабга жавоб бермайди. Бир ўқув йилида ўзлаштирмаганлиги учун бир нечта студент университетдан чиқарилган. Студентларнинг давомати ҳам пасайиб кетган — кўп соатлаб сабабсиз дарс қолдирилган. Шунингдек, ўқитувчи ва студентлар орасида ғоявий-тарбиявий иш сустлаштириб юборилганлиги оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар рўй берган. Университетда илмий-тадқиқот ишлари, студентларни илмий ишларга қизиқиши ва иштирокини таъминлаш ҳам кўнгилдагидек эмас. Бу ва шунга ўхшаш камчиликлар бюро мажлисида тегишли баҳосини олди. Университет партқомининг фаолияти қониқарсиз деб топилиб, унинг секретари О. Боқоев вазифасидан четлаштирилди.

Орадан бир йил вақт ўтди. Бу масалага яна қайтилди. Бир йил ичида қилинган ишлар, кўрилган чоралар шаҳар партия комитети университетда юз берган аҳволни ўз вақтида пайқаб, тўғри йўл тутганлигини кўрсатмоқда. Бир семестрдаёқ студентларнинг давомати яхшиланди, ўзлаштириши ошди, «яхши» ва «аъло» баҳолар билан ўқиётганларнинг сони кўпайди. 1972 йилда тўрт киши докторлик ва 28 киши кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Янги кафедра ва лабораториялар очиш мўлжалланмоқда. Хўжалик шартномаси бўйича 200 минг сўмдан кўпроқ илмий иш бажарилди.

Умуман, шаҳар олий ўқув юртларида 1971-1972 ўқув йили аввалгисига қараганда анча муваффақиятли якунланди. Энг муҳими, ҳар бир студент билан индивидуал ишлаш яхши йўлга қўйилди. Студентнинг қизиқиши, унинг илмга интилиши тўғри ҳисобга олинадиган бўлди.

Шаҳар партия ташкилоти олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларида олиб борилаётган илмий изланиш ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ҳам жиддий чоралар кўрди. Фаннинг турли соҳаларига оид бир неча монография ва илмий мақолалар тўпламлари тайёрланди. Самарқанд олимларининг химия, биология, қоракўлчилик, филология, медицина, физика бўйича эришган ютуқлари кишини қувонтиради. Бироқ, олимларимизнинг Иттифоқ миқёсига чиқадиган йириқ ишлари бармоқ билан санарли. Кўпчиликни жиддий ўйлантириб юрган бу муҳим фикр йириқ олимлар, олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари муҳокамасига қўйилди. Оқибатда шаҳар партия комитети қошида олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларга фаолиятини координациялаш совети тузиш маъқул деб, топилди. Бу совет баъзи йириқ илмий марказларда ташкил этилган ректорлар советининг вазифасини ҳам ўз ичига олади.

Советнинг профессор Марк Арнольдович Риш раҳбарлик қилаётган илмий-тадқиқот секторининг фаолиятига бир назар ташлайлик. Секторнинг философия ва тарих, филология, педагогика, физика, математика, морфология, биокимия, ўсимликшунослик каби ўн саккизта проблематик секцияси бўлиб, улар барча ўқув юртлари ва илмий муассасаларнинг олимлари, ихтиросининг алоқадорлигига қараб ўз сафига бирлаштирган. Бу сектор шу кунгача бўлган кучлар тарқоқлигига, майда ва кўп мавзулиликка барҳам урашади, фан ва ишлаб чиқаришнинг у ёки бу муҳим соҳаси бўйича илмий хулосаларни, кашфиётларни тўплайди, умумлаштиради, ҳаётга йўлланма беради. Сектор 1972 йилдаёқ ўндан ортиқ илмий конференция, 14 тадан зиёд мақолалар тўплами ва амалий-назарий қўлланмаларни нашрга тайёрлади.

Яна бир қувончли ҳолни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Ёш олимларга ғамхўрлик, раҳбарлик ва ўз навбатида уларнинг дадил қадами ҳақида. 28 баҳорни кўрган олим Раҳимжон Ҳайитов ўтган йили Москвада СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги биофизика институтида эммунология ва эммуногигиена (тўқималарни кўчириб ўтказиш) соҳасида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ёш олимнинг элликдан ортиқ илмий иши эълон қилинган. Унинг илмий изланишлари, хулосалари АҚШ, Голландия, Чехословакияда чиқадиган медицина ва биологияга оид журналларда босилди. Ҳозир у Павлов номидаги Самарқанд Давлат медицина институтининг илмий-тадқиқот марказий лабораториясини бошқармоқда. У эммунология бўйича йириқ мутахассис ҳисобланади. Айний номидаги педагогика институти доцентлари Ғанижон Икромов билан Нарзиқул Шодиев педагогик фаолият билан илмий ишни уйғунлаштира олган ёш физик олимлардан. Бу умидли ёшлар кейинги бир ярим, икки йил ичида иккита муҳим муаммони ечишга муяссар бўлдилар.

1972 йилда ҳамшаҳарларимиздан 100 дан зиёд киши докторлик ва кандидатлик диссертациялари ёқлади. Олимлар томонидан саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида 400 минг сўмга яқин иш бажарилди.

Шаҳар партия комитети, ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари коллективлари аъзолари ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни янада кучайтириш, студентларни марксча-ленинча дунёқараш, интернационализм ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаш ишларини кун тартибидан туширмай келмоқда. Бундан ташқари ижтимоий кафедралар ўқитувчиларининг малакасини тобора ошириб бориш, уларга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида шаҳар партия комитети СамДУ ижтимоий кафедралари базасида доимий ишлаб турадиган назарий семинар — курслар ташкил этди. Бу ўқишларни назорат қилиш махсус тузилган методик совет зиммасига юклатилган.

XXIV съезд, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг олий таълимни ривожлантириш, студентларнинг моддий-маиший шароитларини яхшилаш чоралари тўғрисидаги қарорлари, айниқса ўртоқ Л. И. Брежневнинг аълочи студентларнинг Бутуниттифоқ слётидаги нутқи ўқув юртлари ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Барча олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида ижтимоий ихтисослик факультетлари ишлаб турибди. Бошланғич партия ташкилотларининг ғоявий-тарбиявий ишларни ўқиш-ўқитиш билан узвий боғлаш юзасидан қатъий план тузиб, шу асосда ишлаши таъминланди.

Ушбу мақолада ўзимизнинг баъзи фикр-мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчиман. Самарқанд — ўқув юртлари, илм аҳлининг катта армияси тўпланган шаҳар экан, ҳанузгача бу ерда Олимлар уйининг йўқлигини нормал бир ҳол деб ҳисоблай олмаймиз. Ёки 50 мингдан зиёд студенти, ўқувчиси, 54 мингдан ортиқ умумий таълим мактаблари ўқувчиси бўлган шаҳарда «Академкнига»нинг магазини ва «Ўқитувчилар уйи» очилмаган. Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, «Узбеккнига» республика идораси ва бошқа тегишли ташкилотларнинг кўмакларига муҳтожмиз. Шунингдек, олимларимиз ўз тадқиқотлари, изланишларининг якунларини чоп этишда қийналмоқдалар. Чунки, на университет, на бирорта институт базасида босмахона бор. Шаҳардаги Морозов номли ягона босмахона бундай имкониятларга ва ҳуқуққа эга эмас.

Самарқанд шаҳар партия комитетининг доимий раҳбарлиги остида олимларимиз фан ва техника, ўқув-тарбия соҳасида янги марраларни кўзламоқдалар. Улар шу кунларда янгиянги кашфиётлар, тадқиқотлар қилиб, совет фани, Ватанимиз бойлигига бойлик қўшамиз, деган қатъий қарор билан изланмоқдалар, ёш авлодга коммунистик тарбия бермоқдалар.

И. МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон КП Самарқанд шаҳар комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

Суратларда: (юқоридан пастга) Тошкент метроси қурилишида жадал суръатлар билан меҳнат қилаётган бунёдкорлар: 1. Биринчи шахта проходкачиси Т. Сулаймонов, 2. Илғор электр-пайвандчи М. Мажорин, 3. Электровоз машинисти Г. Деревянко ўртоқлар.

И. Глауберзон фотолари.

ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ КЕНГАШИ

ХИВА. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари). Бу ерда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг район кенгаши бўлиб ўтди. Унда республика, область, шаҳар ва район матбуотида фаол қатнашиб келаётган қаламкашлардан 150 киши қатнашди.

Хива район «Коммунизмга» газетасининг редактори П. Машарипов «КПСС XXIV съезди қарорлари ва ишчи ҳамда қишлоқ мухбирларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди. Кенгашда Ленин номли колхозда чиқадиган «Коммуна» деворий газетасининг редактори Ж. Қурбонов, қишлоқ мухбирларидан А. Қурёзов, М. Ниёзов, Хива район прокурори К. Жабборова, «Хоразм ҳақиқати» газетасининг редактори Э. Раҳимов ва Хива район партия комитетининг иккинчи секретари А. Саъдуллаевлар сўзга чиқдилар.

Газеталар саҳифаларида фаол қатнашиб келаётган бир группа ишчи ва қишлоқ мухбирларига фахрий ёрлиқлар топширилди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди:

УЙҒУН. ОЛТИН ДАЛА. Шеърлар. 133 бет, тиражи 35.000, баҳоси 43 тийин.

Иброҳим РАҲИМ. ФИДОЙИЛАР. Роман. 264 бет, тиражи 60.000, баҳоси 54 тийин.

Ҳ. НУЪМОНОВ, А. ШОРАҲМЕДОВ. ОТА. Тарихий роман. Биринчи ва иккинчи китоб. 680 бет, тиражи 60.000, баҳоси 1 сўм 45 тийин.

Теодор ДРАЙЗЕР. БАХТИ ҚОРА КЕРРИ. Роман. Русчадан Э. Носиров таржимаси. 460 бет, тиражи 60.000, баҳоси 91 тийин.

Саида ЗУННУНОВА. НИЛУФАР. Шеърлар тўплами. 224 бет, тиражи 35.000, баҳоси 73 тийин.

Юсуф АС-СИБОИЙ. МЕШКОВЧИНИНГ ЎЛИМИ. Роман. Русчадан Эрнип Миробидов ва Марҳамат Жўраева таржимаси. 230 бет, тиражи 30.000, баҳоси 77 тийин.

Туроб ТЎЛА. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. Икки томлиқнинг иккинчи томи. Пьесалар, мақолалар. 400 бет, тиражи 5.000, баҳоси 1 сўм 11 тийин.

Усмон МАМАТОХУНОВ, МОНИМХОН. Роман. Ўйғурчадан С. Самадий таржимаси. 236 бет, тиражи 15.000, баҳоси 46 тийин.

О. ИКРОМОВ. ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН. 184 бет, тиражи 8.000, баҳоси 48 тийин.

Умар САЙФУДДИН. ҲИКОЯЛАР. Туркчадан Баҳром Иброҳимов, Мирвали Аъзамов таржимаси. 192 бет, тиражи 30.000, баҳоси 62 тийин.

Вали ҒАФУРОВ. ВАФОДОР. Ғазна билан ёзилган роман. Биринчи ва иккинчи китоб. 408 бет, тиражи 60.000, баҳоси 87 тийин.

Мароврид ДИЛБОЗИ. ШЕЪРЛАР. Озарбайжончадан таржима. 94 бет, тиражи 5.000, баҳоси 26 тийин.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

ЕРГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Область хўжаликларида суғориладиган ерлардан ёмон фойдаланиляпти, мажбурий ҳосилдорлиги паст, уруғчилик эътибордан четда қоляпти, дон тайёрлаш плани бажарилмаяпти. Кўклам экин мавсуми бошланганига қарамай, техника восталари тайёр эмас. Партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари рўй берган камчиликларни тезда бартараф этиш чораларини кўришлари керак.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 17 февраль сонида босилган «Ерга муносабат шуми?» сарлавҳали мақолада ана шундай танқидий фикрлар баён этилган эди. Шу муносабат билан редакция Хоразм область қишлоқ хўжалик ва совхозлар бошқармаларидан қуйидаги жавобни олди.

Танқидий мақола область қишлоқ хўжалик ва совхозлар бошқармаларининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилиниб, келтирилган фактлар муғлақо тўғри деб топилди. Йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Жумладан, ҳар бир хўжаликда суғориладиган ерлардан фойдаланишни яхшилаш чоралари кўрилди, 22 тонна элита шоли уруғи тайёрланди, 200 тонна уруғлик картошка ва 300 килограмм навли қовунлар уруғи тайёрлаш кўзда тутилади. Ирригация-мелиорация ишларини яхшилаш йўли билан тупроқнинг унумдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди, мажмажўхоризорлар, шоли пайкаллари, қовун полизларини минерал ва органик ўғитлар билан агротехника қоидалари асосида ошириш картограммаси ишлаб чиқилди.

Хўжаликларда қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ташкилотчилик роли ва масъулияти кучайтирилди. Мажмажўхори дони ва пояси етиштиришни кўпайтириш йўли билан чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаш масаласи кун тартибига бош масала қилиб қўйилди. Шунингдек, шоли майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш йўли билан ҳар қачонгидан кўп дон етиштиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Қишлоқ хўжалик машиналари ремонти тугалланди, эртаги экинлар экишга киришилди.

САНСАЛОРЛИК ҚИЛГАНИ УЧУН

Ҳурматли редакция! Шаҳар телеательесси ходимларидан телевизоримни ремонт қилиб беришни илтимос қилдим. Аммо механик Ҳасанов сифатсиз ремонт қилгани учун телевизор ишламади. Бу ҳақда телеателье бошлиғи Х. Холиқовга арз қилдим. Лекин у сансалорлик қилиб, талабимни қондирмаяпти. Ноилождан редакцияга мурожаат этишга мажбур бўлдим.

Қўқон шаҳар, Ҳувайдо кўчасидаги 27-уйда яшовчи Т. Исмоиловдан олинган ана шу мазмундаги хат текшириш ва чора кўриш учун Узбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлигига юборилганди. У ердан бундай жавоб олинди: текшириш ўтказилганда хатда келтирилган фант тасдиқланди. Ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қарагани ва сансалорлик қилгани учун Х. Холиқов вазифасидан бўшатилди. Техник Ҳасанова эса маъмурий чора кўрилди. Т. Исмоиловнинг уйига малакали техник юборилиб, телевизори сифатли ремонт қилиб берилди.

БАҲОР ЧОРЛАЙДИ

ЛАВҲА

Бригадир ҳозиргина уруғ қадалган ерга эгилди. Чигит нормал чуқурликка тушибди. Ҳаммаси жойида! Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ахир тракторчи ҳам, сеялкачи ҳам деҳқон боласиман деб юрган йигитлардан! Бригаданинг огирини енгил қиладиганлар ҳам — шулар. Чигит экишдаям, ғўза парваришидаям шу Турсунаи ва Бегалининг меҳнати бакор келади.

Бригадир кафтларини қоқиб пайкалдан эндигина чиққан ҳам эдики, шийпон олдига «Москвич» келиб тўхтаб, ундан икки киши тушди. Бири ўзини Эбилхусайн Муродов, иккинчиси эса Қосимжон Ҳакимов деб таништирди. Улар Қува пахта тозалаш заводининг масъул ходимлари эди.

— Мана шу сиз экаётган «Тошкент-3» навли чигит бизнинг заводимиз маҳсулоти, — деди меҳмонлардан бири — Э. Муродов бригадирга қараб, — ган шундаки, чигит бу йил янги химикат — фильтурам билан дориланмоқда. Бу дорининг ҳосиятидан хабарингиз бўлса керак: у бир йўла ғўзани учта касалликдан сақлайди — гомосдан, томир чиришдан ва қуртга ем бўлишдан... Дарвоқе, бу дори кўсак қуртининг ҳам дамини кесади. Биз экаётган чигитларингиз қай даража дорилганлигини кўрмоқчи эдик.

Завод ходимлари дорилаш сифатидан мамнун бўлдилар. Бригадир уларни чойга таклиф қилганди, кўнишмади. Яна бешта колхозга бориб чигит сифати ва дорилаш аҳволини кўришлари лозим. Бригадир Туроб ака Сайидаҳмедов меҳмонларни кузатиб қайтар экан, соддагина қилиб:

— Раҳмат шу одамларга. Деҳқоннигина эмас, олимларнинг, ишчи синфининг ҳам фикри-зикри пахтада, унинг ҳосилдорлигини ошириш, деҳқон ташвишларини камайтиришни ўйлайдилар!

Шинам шийпонда гуринглашиб ўтириб, девордаги турли диаграмма ва рақамларга кўзимиз тушди. Бригада 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,2 центнер ўрнига 45 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олибди. Бу-ку яхши ният, лекин бирданига ҳосилдорликни 12 центнерга кўтариб бўлармикан? Бунинг имкони борми, бўлса қанақа? Мен хаёлимга келган шу гапни бригадирга силлиқроқ қилиб айтдим.

— Санамай саккиз дейишга бизнинг ҳам раъйимиз йўқ, — деб кулди Туроб ака, — Кўраверса, одамнинг кўзи пишиб қолар экан. Биз бир нарсага ишониб, ваъдани катта бериб юбордик. Демоқчиманки, ерга яхши қарадик. Одатдаги 80 минг ўрнига бу йил ҳар гектарда 90 минг кўчат ўстиришни мўлжаллаб турибмиз. Қолаверса, «Тошкент-3»нинг ҳосияти катта экан!

Ҳа, шашти баланд одамлар сўзларининг устидан чиқишади.

Абдулҳамид Солиев бошлиқ бригадани бизга колхоз правленнеси идорасидаёқ орденлилар бригадаси деб таърифлашган эди. Чиндан ҳам шундай экан. Улкан ва теп-текис қартада сеялка тиркалган тракторини гуриллатиб бораётган йигитни кўрсатишиб, «Ўтган йили улоқни Маманазар Мирзаолимов олиб кетди. Ҳукумат унинг кўкрагига Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақиб қўйди», дейишди.

Бригада бошлиғи Абдулҳамид Солиев олислаб кетган тракторнинг ортидан боқаркан, фахрланибми, жилмайиб қўйди. Бригада аъзоларининг ҳаммаси ишчан, ақил. Бригаданинг гапи ҳам, даъвати ҳам яна шу — ахиллик. Унинг ўзи, мана, чорак асрдан буён пахтазорда меҳнат қилаётган экан, ҳамкорлик, иноқликда гап кўплигини сезди. Огирнинг устидан, енгилнинг остидан юришни хаёлига ҳам келтирмади. Чинакамига куйманиб меҳнат қилди. Бунинг эвазига ҳукумат унинг кўкрагига бир эмас, иккита Меҳнат Қизил Байроқ орденини тақиб қўйди. Бу унинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиб юборди. Ҳозиргача унинг бригадасита қарашли 88 гектар майдоннинг асосий қисмига чигит экиб бўлинди. Бригада аъзоларининг ниятлари катта — гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб турибмиз.

— Районимиз областнинг машъали — Киров райони билан мусобақадош, — дейди колхоз раиси Зойиржон Зокиров, — уста пахтакорлар билан беллашаётганимизни бирор дақиқа унутмаймиз. 1 минг 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб турибмиз. Бу, хўжалигимиз 4300 тоннага яқин пахта етиштиради, дегани. Бунинг учун катта-кичик — жамики резервларни ишга солиб, Келинг, шулардан биттасини айтиб берай. Асосий майдонларда ғўзани «от ёли» усулида ўстирамиз. Бу — 1 метрда беш туп ғўза ўстирилади, ҳар уяда биттадан ўсимлик бўлади демакдир.

Раиснинг гапида жон бор. Биз Қува районидаги мазкур «Москва» колхозининг қайси бригадаси даласида бўлмайлик, бир хил услубда қурилган дала шийпонларини, улардаги махсус оромгоҳ хоналарни, кўнгилладигдек жиҳозланган, шаҳарлардагидан сира ҳам қолишмайдиган болалар ясли-боғчаларини, газлаштирилган ошхона ва сотувчисиз дўконларни кўриб ҳавасимиз келди. Шийпонлар ҳузуридаги кутубхоналарни айтмайсизми!

Кўтаринки руҳ, уюшқоқлик, тадбиркорлик билан иш тутиш ўз самарасини кўрсатмоқда. Колхозда чигит экиш жадал ва сифатли бормоқда. Хўжалик меҳнат аҳли 12 апрелгача барча майдонларда чигит экишни тугаллаш ниятидадир. Беш йилликнинг зарбдор учинчи йили баҳори янги-янги меҳнат зафарларига чорлайди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АНТАРКТИДА: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Бепоён оппоқ саҳро... Унинг чекка-чегараси йўқдек кўринади. Ўрмаловчи азамат машиналар Антарктида музлари устида километрма-километр йўл босиб аста-секин олга бормоқда. Олтинчи қитъа соҳилларида эса музлар орасидан ва айсбергларни (муз тепаларини) ёқалаб кемалар ўтиб бормоқда. Бу манзарани Жанубий қутбнинг довул ва қаттиқ шамоллар эсиб турган қаҳратон қуз кунларида кўриш мумкин. Тинмай қор ёғиб океан устини қора туман қопламоқда. Кун сайин ҳаво совиб, бошланаётган қиш аломатлари тобора кўпроқ пайдо бўлмоқда.

Ҳозир Антарктидадаги совет қутбчилари нималар билан машғул. Улар мавсумий ишлардан қайсиларини бажариб бўлишди?

ТАСС мухбири шу савол билан СССР Министрлар Совети хузуридаги гидрометеорология хизмати бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Совет Иттифоқи Қаҳрамони Евгений Иванович Толстиковга мурожаат қилди. У қуйидагиларни гапириб берди:

— Антарктидага юборилган ўн саккизинчи совет экспедициясининг иштирокчилари соҳилда ва муз қитъасининг ичкарисида, унинг атрофидаги Жанубий денгиз районларида жуда катта ишлар программасини бажармоқдалар. Улар ўзларининг ўтмишдошларидан илмий вахтани қабул қилиб олиб, метеорология, геофизика, музшунослик, океанография, медицина тадқиқотларини ва бошқа тадқиқотларни олиб бормоқдалар. Ракеталар учириб, атмосферани текширмоқдалар, ернинг сунъий йўлдошлари юборилган маълумотларни қабул қилиб олмоқдалар, об-ҳаво хизмати билан шуғулланувчи муассасаларни ва Жанубий қутб сувларида бораётган кемаларни об-ҳаво маълумотлари билан таъминламоқдалар... Антарктидадаги Молодежний илмий метеорология маркази олтинчи қитъадаги катта илмий шаҳарчага, қитъада олиб борилаётган ишларимизнинг асосий базасига айланди. Бу ерда олиб борилаётган кузатишлар программасига кўра ионосферани қиямалаб учирилган зондлар билан тадқиқ қилиш ишлари ҳам тугатилди. Бу тадқиқотлар радио алоқаси учун жуда катта ва амалий аҳамиятга эга.

Антарктида табиатининг сирларини очиш учун ўтказилаётган бу янги ҳужумда етти юз нафардан кўпроқ совет олимлари, денгизчилар, учувчилар ва бошқа мутахассислар қатнашмоқда. Замонавий янги аппаратлар, метеорологик ракеталар, самолётлар, вертолётлар, ўрмаловчи машиналар, шу жумладан «Харьковчанка» сингари ҳар қандай қалин қорда ҳам юрадиган азамат машиналар, жуда кўп кемалардан иборат бутун бир «флотилия» уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Бу сафарги экспедиция Арктика ва Антарктида гидрометеорология хизмати томонидан шу дамгача ташкил этилган экспедициянинг энг катталаридан бири ҳисобланади. Муз қитъасини ўрганаётган мамлакатимиз олимларига кўзга кўринган қутб тадқиқотчиси Павел Конович Сенько бошчилик қилмоқда. Бу тадқиқотчи шу қитъанинг чекка жанубида иш олиб борган совет экспедицияларининг олтитасида қатнашган.

Мак-Робертсон ерининг ва Малика Елизавета ерининг жуда катта территориясини комплекс равишда тадқиқ қилиш борасида экспедиция программасида мўлжалланган энг муҳим ишлар бажарилди. Соҳилда ва қитъанинг ичкарисида, жуда катта Эймэри ва Ламберт музликлари, ҳамдўстлик ва шаҳзода Чарльз тоғлари, Вестфолль воҳаси ва Бивер кўли районларида биологлар, геофизиклар ва геодезистларнинг дала лагерлари ташкил этилди. СССР граждан авиациясининг министрлиги учувчилари ёрдамида қутбчилар Шарқий Антарктиданинг бориш қийин бўлган районларидан бирини икки ой ўргандилар. Геология, география, геофизика ва геодезияга доир тадқиқотлар олиб борилди, ер қобиғининг жуда чуқур қисмлари зондлар ёрдамида сейсмик нуқтаи назардан бир неча юз километр масофада текшириб кўрилди, аэрофото ва аэромагнит съемкалар қилинди, муз қатламларининг қалинлиги радиолокатор ёрдамида текширилди. Мак-Робертсон ерида ва Малика Елизавета ерига туташган районларда шу қадар кенг миқёсда биринчи марта ўтказилган бу тадқиқотлар совет олимлари бултур бошлаган тадқиқотларнинг давомидир. Олтинчи қитъанинг мана шу қисмидаги барча геологик формацияларни ҳар томонлама ўрганиш учун ёрдам берадиган янги материаллар қўлга тутилди.

Шу ишларнинг қатнашчилари ва уларнинг раҳбарлар — экспедиция бошлиғи, геология-минерология фанлари кандидати Дмитрий Семенович Соловьев «Профессор Зубов» деган илмий тадқиқот кемасида Ленинградга қайтиб келмоқда. Шу кема денгизчилари олимлар билан бирга Антарктидада талайгина ишлар қилишди.

Улар кенг программа бўйича кузатишлар олиб боришди, Белинсгаузен станциясига, Мирний ва Молодежний станцияларига олимларнинг янги группасини элтиб қўйишди, Мак-Робертсон ерида тадқиқотларни тугаллаган олимларнинг Пюрдс қўлтиғидаги Эймэри соҳил музлигидан кемага қабул қилиб олишди, Антарктидадаги Кергелен оролини бориб кўришди.

Суҳбатнинг охирида Е. И. Толстиков СССР Денгиз флоти министрлигининг экспедицияда қатнашган кемаларидаги экипажлар бажараётган ишларни айтиб берди. Шу кунларда «Обь», «Наварин» дизель-электроходлари ва «Станислав» танкери совет станцияларига охирги марта ташриф буюрмоқдалар. Бу кемаларнинг сафари муз саҳроларидаги қийин вазиятда ва ёмон метеорологик шароитда ўтмоқда. Денгизчилар мураккаб топшириқларни зўр матонат билан мардонавор бажармоқдалар.

Ҳозир «Обь» кемаси Отс соҳилига яқинлашиб қолганида кўп йиллик огир музлар орасидан ўтишга мажбур бўлди. Қаттиқ шамол бўлиб турибди, совуқ 20 градусга етади. Кема билан соҳил ўртасида «МИ-8» вертолётининг қатнаши учун йўл очилди. Тажрибали мутахассис Лев Иванович Еский бошчилигидаги олимларнинг янги сменаси ҳамда анжомлар, озиқ-овқатлар, ёқилгининг дастлабки юз тоннаси «Ленинград» станциясига етказиб берилди. Ғарбий Антарктидадаги муз билан қопланган Отс соҳилида совет олимлари тадқиқотларни давом эттирмоқдалар.

Планетамиз ХАБАРЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

Ольстер шу кунларда босиб олинган мамлакатни эслатиб турибди. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарлари инглиз солдатлари билан тўлдириб юборилган, кўчалар симлар билан ўраб ташланган, стадионларни танклар эгаллаб турибди, мактаблар эса казармаларга айлантирилган. Католиклар маҳаллаларида ўқ товушлари, бомбалар портлашлари эшитилиб турибди. Суратда: Белфастнинг бугунги қиёфаси.

МТИ — ТАСС фотоси.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ СУРИЯДА

ДАМАШҚ, 10 апрель. (ТАСС). КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг Раиси Г. Ф. Сизов бошчилигидаги КПСС делегацияси Сурияда визитини давом эттирмоқда. Делегация аъзолари 9 апрелда Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилаётган Фрот гидроэлектроэнергетика комплекси бинокорлари шаҳри — Табкуга келдилар.

Араб Социалистик Уйғониш партияси вилоят комитетининг секретари Раққа меҳмонларни табриклаб, Сурия халқи турли иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш ва мустаҳкам миллий иқтисодий базани вужудга келтиришда Совет Иттифоқининг кўрсатаётган ёрдамига юксак баҳо берди.

Делегация аъзолари Фрот қурилиш майдончаларини бориб кўрдилар ва қурилиш ишларининг бориши билан танишдилар.

ВЕЙМАРДА «ШЕКСПИР КУНЛАРИ»

БЕРЛИН, 9 апрель. (ТАСС). Веймар шаҳрида улуғ инглиз драматурги В. Шекспир ижодига бағишланган «Шекспир кунлари» — анъанавий фестиваль тугади. Фестиваль ташкилотчиси — ГДРдаги «Шекспир жамияти»нинг таклифига биноан Веймар учрашувида 14 мамлакатдан келган 1200 театр ва кино арбоби, адабиётшунос ва тилшунос олим қатнашди.

ГДРдаги «Шекспир жамияти» қабул қилган янги уставда В. Шекспир ижодиёти соҳасида социалистик мамлакатлар мутахассисларининг биргаликдаги тадқиқотлари ва ишлари муҳимлиги таъкидланади.

ДЎСТЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

БРАТИСЛАВА, 9 апрель. (ТАСС). Словакия корхоналари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, муассасалари ва олий ўқув юртларида ташкил этилган Чехословакия — Совет дўстлик союзининг саккиз минг бошланғич ташкилотида ҳозирям миллиондан ортиқ аъзо бор.

Дўстлик союзининг сафи йилдан-йилга ўсмоқда. 1972 йилнинг ўзидагина 140 мингга яқин киши Чехословакия — Совет дўстлиги союзига аъзо бўлиб кирди. Бу йил бир неча ўн минг меҳнаткаш ҳозирнинг ўзидаёқ дўстлик союзига аъзо бўлиб кирди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

Туркияда салкам бир ойга чўзилган президент сайловлари ниҳоясига етди. Истеъфодаги адмирал, сенатор Фахри Қоритурк Туркия Республикасининг янги президенти қилиб сайланди. Сайловларнинг 6 апрелда ўтган ўн бешинчи даврасидан кейин ниҳоятда чўзилиб кетган ҳукумат танглигига чек қўйилди. Ўз номзодлари сайловларда етарли овоз ололмай, президент сайланмай қолгач, Туркия парламентида кўпчиликни ташкил қилувчи уч партия — Адолат партияси, Халқ республикачилар партияси ва Республикачилар ишонч партияси биргаликда ягона номзод кўрсатдилар. Шундай қилиб, янги номзод — Фахри Қоритурк Туркиянинг президенти бўлиб қолди.

Лекин бу билан Туркия ҳукуматидаги танглик оутунлай тугатилди, деб бўлмайди. Чунки, Ф. Қоритурк президент бўлиб сайлангач, бош министр Ферит Мелен бошчилигидаги ҳукумат истеъфо берди. Ҳа, Туркияда президент сайланди, аммо мамлакатдаги асосий танглик, ички проблемалар ҳамон кескинлигича қолаётир.

ВАТАНПАРВАРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ЛУСАКА. Ангола озоддиги халқ ҳаракати (МПЛА) жангчиларининг Квандо-Кубанго округида сўнгги вақтларда олиб борган жанговар операциялари натижасида Португал жаллодларидан 67 киши ўлдирилди ва 64 киши жароҳдантирилди, МПЛАнинг Лусакадаги вакилининг хабар беришича, ана шу операциялар чоғида Ангола ватанпарварлари кўп миқдорда ҳарбий аслаҳа-анжом ва озиқ-овқат запасларини қўлга туширганлар.

(ТАСС).

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНЯПТИ

БЕРЛИН, 10 апрель. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси В. Штоф СССР газ саноати министри С. А. Оруджевни қабул қилди. С. А. Оруджев СССР — ЧССР — ГДР участкасида халқаро «Дўстлик» газ қувури қуриб битказилганлиги муносабати билан Германия Демократик Республикасига келган Совет ҳукумат делегациясига бошчилик қилмоқда.

Улар газ саноати соҳасида ва Германия Демократик Республикасида газ конларини қидириб топиш соҳасида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларини, шунингдек Совет Иттифоқининг табиий газини Германия Демократик Республикасига етказиб бериш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар.

ОСЛОДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ОСЛО, 9 апрель. (ТАСС). Бугун бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Африка Бирлиги Ташкилоти томонидан уюштирилган Жанубий Африкада мустамлакачилик ва апартеид қурбонларини қўллаб-қувватловчи халқаро конференция ўз ишини бошлади.

Конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатларнинг делегатлари, шу жумладан СССР ва Украина ССР делегациялари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти, Африкадаги миллий-озодлик ҳаракатлари ва ҳукуматлараро бир қанча раҳбар халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашмоқда.

Конференция кун тартибига Жанубий Африкадаги ҳозирги аҳвол ҳамда мустамлакачилик ва апартеидга қарши кураш анализи масалалари киритилган. Конференция қатнашчилари мустамлакачилик ва апартеид қурбонларини қўллаб-қувватловчи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Африка Бирлиги Ташкилоти, ҳукуматлар ва жамоат ташкилотларининг ҳаракат программасини ҳам қараб чиқдилар.

ПЕКИН ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ

Сўнгги пайтларда кўпчилик хорижий матбуотларда Хитой Халқ Республикасининг Европа хавфсизлиги проблемаларига бўлган муносабатларига доир мақолалар пайдо бўлди. Бунинг боиси нимада?

Маълумки, сўнгги икки-уч йил ичида дунёнинг кўпчилик социалистик ва ривожланган капиталистик давлатлари жойлашган Европа қитъаси кескинликни юмшатиш, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини амалга ошириш майдонига айланди. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта. Аввало, КПСС XXIV съездининг Европада кескинликни юмшатиш ва тинчликка эришиш борасидаги вазифаларини амалга ошираётган совет дипломатиясининг фаол ҳаракати туфайли шундай бўлди.

Кейинги пайтларда бўлиб ўтган муҳим воқеалар ҳам кўп жиҳатдан хавфсизликни юмшатишга кенг имкониятлар очиб берди. Жумладан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Франция президенти Ж. Помпиду билан учрашуви, Москвада юқсак даврада ўтган Совет — Америка музокаралари, СССР ва ПХРнинг ҒФР билан тузган шартномаларнинг ратификация қилиниши, Ғарбий Берлинга доир битимлар комплексининг, ГДР ва ҒФР ўртасида муносабатлар асосен ҳақидаги шартномаларнинг имзоланиши Европа қитъасида туб ўзгаришларга олиб келди. Ҳозирги кунларда бир қанча мамлакатларнинг пойтахтлари — Хельсинки, Вена, Женевада Европа хавфсизлиги ва қурол-яроғ ҳамда Қуролли Кучларни қисқартириш проблемалари юзасидан муҳим музокаралар олиб бориляпти.

Лекин, бундан Европа хавфсизлигига қарши чиқувчилар йўқ экан, деган хулоса чиқармаслик керак. Бунинг учун НАТО генералларининг нутқларини эшитиш ёки Ғарбий Германиядаги Шпрингер нашриларини варақлаб кўриш кифоя. Аммо зўр бериб ана шу кампанияларига қўшилаётган ХХР-нинг ҳозирги маочи раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари кишини ҳайратга солади. Ҳолбуки, бу мамлакат Европадан минглаб километр узоқда жойлашган.

Яқин-яқинларгача Хитой раҳбарлари ва дипломатлари Европа ишларига ўз «қизиқиш»ларини нафасларини ичларига ютиб, пардали фикрларда ифодалаб келган бўлсалар, эндиликда улар Европа хавфсизлигига доир масалаларда очиқдан-очиқ ваъзхонлик қилмоқдалар, шу қитъадаги кескинликни юмшатишга қарши эканликларини яширмайётилар. Жаҳон матбуоти бундай ўзгаришни дарров пайқади, албатта. Ўнлаб газета ва журналлар Хитойнинг «Европа сиёсати» ҳақида қатор мақола ва шарҳлар билан чиқди.

Пекин раҳбарлари куч ишлатиш сиёсатини ёқлаётган, НАТОни кучайтириш ва Европада «Америка ядро қуролини жойлаштириш» тарафдори бўлган Ғарбий Европадаги милитаристик доираларни қўллаб-қувватламоқдалар. Пекиннинг ана шу позицияси асосини оқмоқ антисоветизм ташкил этади. «ХХР Советларга қарши олиб бораётган сиёсатида шу даражага бориб етдики, деб ёзади Германияда чиқадиган «Дие вельт» газетаси, — эндиликда у «Умумий бозор»гагина эмас, ҳатто НАТОга ҳам олқишлар ёғдирмоқда». Лондоннинг «Таймс» газетаси ана шу фикрни давом эттириб: «Ғарбий Европани совет экспансионизмидан ҳимоя қилаётган НАТОга хитойларнинг қизиқиши борган сари кучаймоқда... деб ёзади.

Сўнгги ойларда Хитой матбуоти НАТО кенгаши сессиясини табриклаб каттагина мақола берди. Ғарбий Германиядаги ҳарбий машқларни, айниқса НАТО генералларининг милитаристик нутқларини шарҳлашга Хитой матбуотида айниқса кенг ўрин берилди. Пекин раҳбарлари Ғарбий германияликларни Европада кескинликни юмшатиш истиқболларига ишонмасликка, балки хитойлардан ўрнак олиб урушга тайёрланишга, бомбалардан яшринадиган жойлар тайёрлашга чақирмоқдалар. Хитой сиёсатдонлари, айниқса хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгашини тайёрлашга қаршилик кўрсатишга уринмоқдалар. «Ўнзере цайт» газетасининг ёзишича «Хитой раҳбарлари «Умумий бозор»га аъзо бўлган Ғарбий Европа мамлакатларининг монополияларини ҳимоя қилиб, Европа иқтисодий ҳамкорлиги давлатларидаги ишчилар ҳаркатига қарши чиқмоқдалар».

Маочи раҳбарларнинг Европа хавфсизлигига қарши чиқишлари, БМТда тутаётган обструкцион позицияси ва ҳакозолар уларнинг халқаро кескинликни авж олдириш ва «совуқ уруш» даврига яна қайтишни орзу қилаётганликларини кўрсатиб турибди. Аниқ кўриниб турибдики, Европада хавфсизликнинг вужудга келишига қарши чиқаётганлар оқимга қарши бормоқдалар. Кескинликни юмшатиш жараёнини тўхтатишга, Европадаги ишларнинг боришини орқага буришга уринаётганларнинг планлари барбод бўлиши турган гап. Чунки шу қитъадаги кучлар муносабати тинчлик ва тинч ҳамкорлик фойдасига ўзгариб бораяпти.

Ю. КАШЛЕВ,
тарих фанлари кандидати.
(АПН).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **СОФИЯ.** Болгария сигаретларни экспорт қилишда жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турибди. Халқаро бозорда сотилаётган сигаретларнинг 30 процентини Болгария етказиб бермоқда. Болгариянинг бу маҳсулотини асосан социалистик мамлакатлар сотиб олмоқда.

Ҳозирги олтинчи беш йилликда Болгария тамаки-чилик саноатининг қувватини анча кўпайтириш кўзда тутилади. Шу тармоқнинг энг янги корхоналаридан бири бўлган Хасково шаҳридаги «Трания» сигарет фабрикасида ҳозир ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда. Бу фабрикада юксак унумли 15 та машина ўрнатилмоқда. Ишлаб чиқариш кенгайтирилиши натижасида фабрика ҳар йили 20 минг тоннадан кўпроқ сигарет ишлаб чиқарадиган бўлади.

◆ **АДДИС-АБЕБА.** Эфиопия Маориф ва нафис санъатлар министрлиги ўрта мактабни битириб, СССРга бориб ўқишни истаганлар учун йиллик конкурс бошланганлигини эълон қилди. Эфиопия студентларига Совет Иттифоқида гидрология, геология, қишлоқ хўжалиги, кутубхоначилик, музика ва бошқа иқтисослар бўйича олий маълумот олиш имконияти берилади.

Кўп йиллардан бери СССРда Эфиопия йигит ва қизлари ўқитилмоқда. Бултур сентябрь ойининг ўзидаёқ 50 га яқин киши ўқиш учун Москва, Ленинград ва Харьковга жўнаб кетди. Ҳозир СССРда Эфиопия ёшларидан 200 нафардан кўпроқ киши ўқиб турибди.

◆ **ЖЕНЕВА.** Сайгондаги уч юз минг нафар сиёсий маҳбуслар дарров қамоқдан бўшатилсин, деган талабномага Швейцария шаҳарларида имзо тўплаш бошланди.

Вьетнам ватанпарварларини ҳимоя қилиш кампаниясини Вьетнамга кўмаклашувчи миллий комитет бошлаб берди. Бу ташаббусни 20 тадан кўпроқ жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар қўллаб-қувватлади. Имзо тўплашда ва бу кампанияни пропаганда қилишда Швейцария меҳнат партияси ва партиянинг сиёсий органи бўлган «Вуа увриер» газетаси актив роль ўйнамоқда.

◆ **ПАРИЖ.** Альп тоғи этакларидаги ўрмонларда бошланган катта ёнғин Гийом шаҳри районида 150 тадан кўпроқ ўрмонни нобуд қилди. Қаттиқ шамол ўт ўчирувчиларнинг ишини қийинлаштириб юборди. Матбуот хабарларига қараганда, шу кунларда Альп тоғининг денгиз бўйидаги бошқа районларида ва Франциянинг Лонгуард соҳилида ҳам ўрмонларда ёнғинлар чиққан.

(ТАСС).

КИНО

„ЕТТИНЧИ ЎҚ“

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Али Ҳамроев тарихий-инқилобий мавзуда кейинги йилларда бир қатор фильмлар яратди. Унинг «Фавқулодда комиссар», «Шижоат», «Еттинчи ўқ» бадиий фильмларидан иборат тарихий-инқилобий кинотрилогияси ўзбек бадиий инқилобий кинофилмасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

«Еттинчи ўқ» янги бадиий фильми Андрей Михалков-Кончаловский билан Ф. Горенштейн сценарийси асосида яратилган бўлиб, саргузашт жанридаги асар сифатида ўзбек киносида янги дадил гам десак, муболаға қилмаган бўламиз. Фильм воқеалари марказида Туркистонда ташкил этилган халқ милицияси отрядининг командири Мақсумов образи туради. Халқ манфаатларининг жасур ҳимоячиси, социалистик тузум посбони Мақсумов ўзининг мустаҳкам продаси, жасур ва қўрқмаслиги, довюраклиги, эпчиллиги ва бошқа шу сингари жанговар сифатлари билан ажралиб туради.

Янги тузумнинг ашаддий душмани қўрбоши Хайрулла халқ милициясининг ана шу жасур саркардасини қўлга туширолмай доғда юради. Қўрбоши Хайрулла ҳатто унинг боши учун ўн минг сўм пул ҳам ваъда қилиб қўйган. Мақсумов ҳам Хайрулла билан учрашиш ниятнёқида. Чунки, милиция сафидаги баъзи бир бекарор йигитлар Хайрулла томонига ўтиб кетган. Мақсумов ўз йигитлари билан юзма-юз учрашиб гаплашишга қарор қилади. Шундай қилиб у босмачилар билан Хайрулла қароргоҳига йўл олади.

«Фавқулодда комиссар» бадиий фильмида жасур инқилобчи Низомитдин Хўжаевнинг ўзига хос мураккаб характерини етук гавдалантириб, томошабин таҳсинига сазовор бўлган актёр Чўқморовга режиссёр бу гал ҳам етакчи образни топширди. «Еттинчи ўқ» фильмидаги Мақсумов характерининг талқини Чўқморов актёрлик маҳоратининг такомиллашиб, тажрибаси анчагина ошиб қолганлигини равшан кўрсатади.

Маълумки, тарихий-инқилобий фильмларда воқеаларнинг мусбат ва манфий қутбида турган шахсларнинг —контрреволюционерлар билан революционерлар образини талқин этиш санъаткордан катта билим, юксак истеъдод ва тинимсиз ижодий изланишларни талаб этади. Совет ҳокимияти душманларини фақат қора бўёқ билан тасвирлаш тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Уларни даҳшатли, қўпол, овсар, калтафаҳм, бефаросат шахслар тарзидагина кўрсатиш ижобий қаҳрамонларнинг куч-қудрати ва фазилатларига доғ туширади. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда ижобий ва салбий персонажлар талқинотида режиссёрнинг «Фавқулодда комиссар» фильмидаги ибратли изланишлари бу фильмда ҳам бир қадар давом эттирганлигини пайқаймиз. Босмачилар раҳнамоси Хайрулла образи худди шундай мураккаб образлар жумласига киради. Унинг фожиаси шундаки, ҳақиқат ким томонида эканлигини тўғри англаёлмайди, тарихий ҳақиқатнинг истиқболини равшан пайқамайди. Фильмда Хайрулла тўдасига эргашиб кетган баъзи милиционерлар жиноятчилар тарзида эмас, балки ўзининг мушкул аҳволи, аянчли мусибати ва мураккаб тақдирига эга бўлган оддий одамлар тарзида кўрсатилади. Улар ҳақиқат ким томонида эканлигини ўз вақтида тўғри англаёлмай адашиб, душман томонига ўтиб кетган шўр пешона кишилар.

Режиссер қарама-қаршиликларга тўла синфий курашни ҳаққоний тасвирлаш ва босмачилик ҳаракатининг моҳиятини реал тарихий ҳақиқатга мувофиқ тўғри кўрсатиш соҳасида «Фавқулодда комиссар» бадиий фильмида бошлаган ижодий изланишларини мазкур фильмда давом эттиришга интилган. «Фавқулодда комиссар» фильмида Мадаминбек образини яратган Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳамза Умаров «Еттинчи ўқ» фильмида ҳам худди ўша тонфадаги Хайрулла қўрбоши образини гавдалантирган.

Янги фильмдаги яна бир образ киши эътиборини ўзига тортади. Бу, Хайрулланинг кичик хотини Ойгул образидир. Қўрбошининг эўравоилиги, шафқатсизлигидан безган Ойгул Мақсумов сиймосида ўз ҳалоскорини кўради ва босмачилар тўдасида унга ҳайрихоҳлик билан кўмаклашишга ҳаракат қилади. Бу ролни ёш ижрочи Дилором Қамбарова талқин этади. Қиз ўз қаҳрамони характеридаги жасорат ва журъатни анчагина дадиллик билан акс эттиради.

Ўткир драматик сюжетга эга бўлган саргузашт формасида экран асари яратиш анча қийин. Бу мураккаб ва машаққатли жанр ижодкорлардан тинимсиз изланишларни, оригинал кинематографик талқинотларни, қисқа монтажли лавҳаларни талаб қилади. Али Ҳамроев раҳбарлигидаги Ўзбек кино санъаткорлари саргузашт жанри талабларига жавоб берадиган ҳалқонли, таъсирли тарихий-инқилобий фильм яратишга ҳаракат қилганлар. Бунда режиссёрнинг «Қизилқум» саргузашт фильмини яратиш даврида ҳосил қилган тажрибаси айрим самараларини ҳам кўриш мумкин. Фильмни суратга олишда тажрибали оператор Александр Пани анча меҳнат қилиб, картина тасвирий-ифода воситаларининг ихчамлигини таъминлаган. Фильмда Бўлат Бейшеналиев (сотқин қиёфасида), Таҳлат Нигматуллин (Исмоил), Ҳалима Комилова (Хайруллаинг катта хотини) каби ва бошқа актёрларни кўрамиз.

Фильмда баъзи камчиликлар ҳам учрайди. Ана шулардан асосийси, унда отишма-қувишмалар сингари ташқи таъсирчанликка кўпроқ ўрин берилиб, қаҳрамонларнинг ички дунёсини тўлароқ очиб бериш бир қадар унутиб қўйилган. Натижада мазкур фильм режиссёрнинг «Фавқулодда комиссар» номли сиёсий руҳдаги кинодрамасининг гоявий, бадиий савияси даражасига нўтарила олмаган.

«Еттинчи ўқ» саргузашт тарихий-инқилобий кинолентаси ўзбек кино усталари томонидан ўтган йили яратилган барча фильмлар орасида ўзига хос баъзи хусусиятлари билан ажралиб турувчи кенг экранли рангли бадиий фильм сифатида томошабинга манзур бўлади.

С. ХУЖАЕВ,
киношунос.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА: 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — Концерт. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Ахборот. 20.30 — МОСКВА. **Хоккей:** ГФР — ЧССР. 21.15 — Концерт. 21.30 — А. Н. Островский туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва концерт. 00.15 — Концерт. 01.00 — **Хоккей:** Польша — СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — **Қизил альпинистлар** (бадиий фильмнинг 6-серияси). 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Хужжатли фильм. 19.30 — Бадиий фильм. 20.30 — ТОШКЕНТ. **Оламга саёҳат.** 21.40— Адабий кўрсатув. 22.00 — «ЗЕҲН» (Хоразм — Андижон). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — **Ватандан узоқда** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Чио-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/IV да **Лақма.**

КИНО

Лаутарлар (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30, 8.45 минутда), «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30, 9 да).

Қари қиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2, 4, кеч соат 6, 8.30 минутда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 3, 5, кеч соат 7, 8.30 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Петерс — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 3, 5, кеч соат 7, 9 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз соат 12, 2, 4, кеч соат 6, 8, 9.30 минутда), «КЎКЧА» (эрталаб соат 10, 11.40, кеч соат 7.20, 9 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Сепли тўй — «ВОСТОК» (кундуз соат 2, 4, кеч соат 6, 8, 9.30 минутда), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10.20, кундуз соат 12, 2, 4, кеч соат 6, 8, 9.30 минутда).

Садоқат — «КЎКЧА» (ўзбек тилида, кундуз соат 1.30, 4.40 минутда).

Бугун яшаш, эртага ўлиш — ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 3, 5, кеч соат 7, 9 да).

Иссиқ кўлнинг алвон лолалари — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 3, 5, кеч соат 7, 9 да).

Гул ва тош — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30, 9 да).

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА 11—12 АПРЕЛДА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА БАҲОР ТАРОНАЛАРИ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА

Бутуниттифоқ санъатчилар конкурсининг дипломантлари Дилафруз ЖАББОРОВА, Қодир МУМИНОВ

Телевиниатюра ва сўз устаси Ҳасан ЙЎЛДОШЕВ.

СОЛИСТЛАР:

Ортиқжон ОТАЖОНОВ, Алижон ҲАСАНОВ, Бахтиёр ҲОЛХУЖАЕВ, Рашида РАҲИМОВА, Роза КАКУРИЕВА, Мукаррам ЖАҲОНГИРОВА, Зухра ҚОДИРОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг музика раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Сайфиддин ЙЎЛДОШЕВ.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшитириш давлат комитетининг Республика радиоси коллективи музика редакциясининг бош редактори Ҳ. Муҳаммадалиевга онаси

Тожихонбиби ФАЙЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшитириш Давлат комитетининг Республика радиоси коллективи Наманган области бўйича радиомухбир Н. Жўрабоевга отаси

Жўрабой ТЕМИРБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АХБОРОТ

ОБЛАСТЛАРДАН ДАРАКЛАР

КОЛХОЗДА МАДАНИЯТ САРОЙИ

Ленинград районидаги «Октябрь» колхози марказида икки қаватли маданият саройи қурилди. Саройнинг катта залида колхоз тарихини акс эттирувчи музей ташкил этиляпти. Кутубхона ва қироатхоналарга эга бўлган бу маданият ўчоғи кечқурунлари одамлар билан гавжум бўлади. Москвалик мўйқалам соҳиблари маданият саройини безашда яқиндан кўмаклашдилар.

С. ОДИЛОВ.

УЙ БЕКАЛАРИ ХУРСАНД

Намангандаги тўқимачилар шаҳарчасида янги умумий овқатланиш комплекси ишга туширилди. Комплекс бешта умумий овқатланиш тармоғидан ташкил топган. У ердаги миллий таомлар кафесида ош, шўрва, манти, сомса, «Ёшлик» кафесида эса европача овқатлар пиширилади. «Оталар чойхонаси» ҳам гавжум. Комплексда очилган кондитер ва кулинария маҳсулотлари магазини уй бекаларини хурсанд қилди. Янги умумий овқатланиш комплекси бир йўла 250 кишига хизмат кўрсатаётир.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ВИЛТНИНГ ЯНГИ КУШАНДАСИ

ҚЎҚОН. (ЎзТАГ). Фарғона пахтакорлари вилт касаллигига қарши курашадиган яна бир восита топдилар. Триходерма деган фойдали замбуруғ пахта зараркунандаси — вилтнинг кушандаси эканлиги аниқланди. Фарғонадаги Ҳамза номли совхозда ва Ўрта Осиё ўсимликларни химоя қилиш илмий тадқиқот институтининг Қўқондаги таянч пунктида кўп йилардан бери ўтказилаётган тадқиқотлар тупроғида вилт кўпайиб кетган ерга чигит экиш олдидан гўнг-тупроқли компост билан қўшиб солинган триходерма вилтни йўқотадиган моддалар чиқараётганлигини кўрсатди. Натижада тажриба учун ажратиб қўйилган далаларга гўзанинг вилт билан касалланиши бошқа участкаларга нисбатан икки баравар камайганлиги, ҳосилдорлик эса 2-3 центнер кўпайганлиги маълум бўлди. Бу замбуруғ уч йил давомида ўз таъсирини йўқотмаслиги ҳам аниқланди.

Қўқон таянч пунктида ўстириб етиштирилган триходерма бу йил баҳорда Бағдод районидаги «Победа», «Пахтакор» колхозларининг 50 гектар пахтазорига солиниб, биринчи марта кенг миқёсда тажриба қилиб кўрилади.

Иктиқ қалблар висолга етишди, қаранг! Учрашув дамлари қандар ширин, Боғ аро сайр этиб, шодланиб, кулиб Изҳор қилишади юракнинг сирин.

Л. Глауберзон фотоэтюди.

ЯНГИ РЕЗЕРВЛАР

ТИВИТЛИ ЭЧКИЛАР

ТЕРМИЗ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Эчки тивитидан тўқиладиган машҳур Оренбург рўмолларининг донги оламга ёйилган, десак муболаға бўлмайди. Оренбург комбинатига ана шу тивитнинг бир қисмини «Бойсун» совхози чорвадорлари етказиб беради.

Бундан беш йил муқаддам Наманган областидан Сурхондарёнинг Бойсун районига зотли эчкилардан бир неча бош келтирилган эди. Ҳозир бу ерда аъло тивитли эчкилар сони 2300 бошга етди. Маҳаллий эчкилар билан урчитилиб, зоти яхшиланган эчкиларни қўшиб ҳисоблаганда улар 13 минг бошдан ошади. Тивитли эчкилар хўжалиги чорвачилигининг муҳим ва сердаромад соҳасига айланди. Бир бош эчкининг давлат нархи 8-10 сўм турган ҳолда 1 килограмм эчки тивити 70 сўм туради.

Утган йили хўжалик давлатга 520 килограмм тивит сотиб, 32 минг сўм соф фойда олган эди. Чорвадорларнинг бу йилги мараллари янада юксак: улар беш йилликнинг учинчи йилида ҳар бош эчкидан 350 граммдан тивит тараб олиб, давлатга камида 1 тонна қиймматбаҳо тивит маҳсулоти етказиб беришга, бундан олинадиган соф фойдани 65 минг сўмга етказишга аҳд қилдилар.

Совхоз чорвадорлари беш йиллиқнинг охирига бориб тивитли эчкилар сонини 25 минг бошга, ундан олинадиган соф фойдани 100 минг сўмга етказиш режаларини белгилаб чиқдилар.

А. ХАЛИЛОВ.

Спорт. Спорт. Спорт.

ХОККЕЙ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ

А. МАРТИНЮКНИНГ РЕКОРДИ

Москвада хоккей бўйича давом этаётган жаҳон чемпионатининг навбатдаги ўйинлари ҳам мухлисларда катта таассуротлар қолдирмоқда. Совет хоккейчилари ўйиндан-ўйинга тажрибаю маҳоратларини намойиш этиб, пешқадамга хос жиҳатларини кўз-кўз қилаётирлар. ЧССР хоккейчилари эса чемпионликни бермаслик ҳаракатини қилишяпти. Финляндия командаси чиройли ўйинлари билан Москвадаги Лужники спорт саройига ташриф буюрганларни хурсанд этишмоқда. Улар ғалабага муштоқлик нима эканлигини кўрсатиб қўйишга уринмоқдалар.

Кеча ЧССР — Швеция ва СССР — Финляндия командалари учрашдилар. Ана шу ўйинларгача чемпионат жадвалининг кўринишига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз:

Командалар	У	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	6	6	0	0	61-11	12
ЧССР	6	4	0	2	28-11	8
Швеция	5	4	0	1	25-12	8
Финляндия	5	2	0	3	19-18	4
ГФР	6	1	0	5	14-57	2
Польша	6	0	0	6	9-47	0

Жадвалдан кўриниб турибдики, жаҳон чемпионати борган сари қизғин тус олмоқда. Иккинчи давра ўйинларининг дастлабкиларидёқ ҳар бир команда ўз имкониятларини ишга солаётганлигини кўрсатди. Якшанба куни спорт саройида диктор Нина Шаборкинанинг овози янграб қолди:

— Совет хоккейчиси Александр Мартинюк рекорд натижага эришди!

Дарҳақиқат, ўтган якшанба куни СССР — ГФР командалари учрашувида совет хоккейчиси Александр Мартинюк ажойиб маҳорат кўрсатди. У Германия Федератив Республикаси командаси дарвозасида тўққиз марта чироқ ёқилишига сабабчи бўлди. Саккиз шайбани Александр Мартинюкнинг ўзи киритди. Бир шайбани ошириб берди.

Душанба куни муз устига Швеция ва Польша командалари чиқишди. Ҳар икки команда ўйинининг боришини кузатиб, улар навбатдаги учрашувларга куч сақлашаётганлигини пайқаш қийин эмасди. Шундай бўлса ҳам Швеция командаси ўз маҳоратини кўрсатди. Польша хоккейчилари дарвозасига жавобсиз 7 шайба кирита олди.

Шу куни Финляндия — ГФР командалари ҳам куч синашдилар. Бу коллективлар биринчи давра ўйинини 8:3 ҳисобида тамомлаганликлари мухлисларга маълум. Финляндия командаси ўйинчилари учрашувнинг биринчи бўлимида ГФР дарвозасига бот-бот хавф солиб турган бўлсалар ҳам, ҳисобни очишга муваффақ бўлолмадилар. Германия Федератив Республикасининг дарвозабони ўз маҳоратини кўрсатди. Ўйинининг иккинчи бўлимида Германия Федератив Республикаси хоккейчилари бир шайба киритдилар. Бироқ якуловчи-учинчи бўлимда финлар кетма-кет икки шайба киритиб, 2:1 ҳисобида ғалабани таъминладилар.

КУБОК «БУРЕВЕСТНИК»ДА

Тошкентдаги марказий «Пахтакор» стадионида яна бир мусобақа бўлди. Енгил атлетикачилар СССРнинг биринчи космонавт-учувчиси Юрий Гагарин номи билан юритилувчи кубок учун мусобақалашдилар. Енгил атлетикачиларнинг ўйинчи ана шу анъанавий мусобақасида 700 га яқин ўсмир иштирок этди.

Қизғин курашлар якунида биринчи ўринни «Буревестник» командаси эгаллади. Кўчма кубок ҳам енгил атлетикачиларнинг ана шу коллективига тегди. «Меҳнат», «Спартак» жамиятларининг вакиллари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олдилар. Тошкент жисмоний тарбия институтининг студенти Константин Велкос ўсмирларнинг ўн кураш мусобақаларида республиканинг янги рекордини ўрнатишга муваффақ бўлди. У 6451 очко тўплади.

Ота-оналар, сизлар учун

БОЛА КУЗАТИШНИ СЕВАДИ

Боғ болавор билан гавжум. Бири қўшиқ айтиб, сайр қилса, яна бири дарахт шохларидаги гунчаларнинг маржонга ўхшаганини тарбиячига кўрсатиб, қувонади.

Рустам осмондаги паға-паға оқ булутларни туяга, оқ аймоққа қиёс қилиб, ўртоқларига уқтирмоқда. Сайёра эса ғунгиллаб учаётган асаларини кузатяпти.

Ҳа, болалар кузатишни севадилар. Улар табиат қўйнида ўзларини янада бахтиёр ҳис этадилар. Инсон ҳамиша гўзалликка интилиб келган. Айниқса, турли-туман, рангларга бой, гўзал ва хушманзара табиат болалар дид-фаросатини, тафаккур ва тасаввурини ўстиришда бой манбалардан биридир.

Бола ўз теварак-атрофидаги нарсалар ва воқеаларга ҳеч қачон бефарқ қарай олмайди, уни ҳамма нарса қизиқтиради. Сиз ва биз пайқамаган, эътибор бермаган нарсаларни болаларимиз дарроа кўриб, сезиб қоладилар.

Болани атрофдаги гўзалликни кўра билишга ва пайқай олишга, табиатдаги рангларнинг уйғунлигини ҳис ва идрок эта билишга, товушлар ҳамоҳанглигини сеза ва тушуна билишга ўргатиш лозим. Шу билан бирга унинг нутқини ўстириш, сўз бойлигини ошириш, эстетик дидли ва фаросатли қилиб тарбиялаш керак.

Болада табиат манзарасини тўйиб-тўйиб томоша қилишга имкон бериш, табиатдан олган таассуротларини сўз билан ифодалаш ёки расмда тасвирлаш, содда таранним этишга ўргатиш орқали нафосат тарбиясини мужассамлаштирган бўламиз.

Мактабларимиз болаларга янги такомиллашган программа асосида кенг ва чуқур билим бермоқда. Табиатшуносликка оид билимлар 1-синфданоқ сингдирилмоқда. Болаларни ўз она-Ватани, ундаги ўсимлик, табиат бойликлари ҳақидаги билимлар кўпроқ қизиқтиради. Уларда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, кишилар меҳнатига ҳурмат, ўсимлик ва ҳайвонларни асраш ва ардоқлаш ҳисси уйғонмоқда. Бундан ташқари болалар кузатувларини хотирада сақлаш, умумлаштириш, сабаб ва натижаларини аниқлаш учун алоҳида табиат ва меҳнат кундаликлари ҳам юритиляпти.

Ота-оналар мактабларимиз томонидан бошланган бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаб, болани кўпроқ табиат ва кишилар меҳнатини кузатишга ундашлари лозим. Шундай қилинганда, бола кун сайин янги нарса ва воқеаларнинг шоҳиди бўлиб боради. Айни чоғда уларнинг номи ва ранги қандай мақсадларда ишлатилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, синфда олган билимларини кўрган-кузатганлари билан амалда синаб кўришга ўрганадилар.

Бола билан тез-тез сайрга чиқиб турниш, боғ ва хиёбонлардаги мавсумий ўзгаришларнинг сабаби нимада эканлиги ҳақида суҳбатлашиш, боланинг саволларини диққат-эътибор билан тинглаш, унга аниқ, содда ва тушунарли жавоб беришда сабр-тоқатли бўлиш зарур. Ҳеч вақт унга: «Бу нарсаларни катта бўлганингда билиб оласан» — деган жавоб қайтармаслик керак.

Кинотеатрларга олиб бориш, тарихий ёдгорликлар ҳақида мароқ билан сўзлаб бериш, кўрганларини мушоҳада қилиб, хулоса чиқаришга ўргатиш—боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашда муҳим омиллар ҳисобланади. Эстетик дид ва тўйғулар бола ҳаёти фаолияти жараёнида ўсади ва шакллана боради. У ёшликданоқ нима яхши-ю, нима ёмон ва нима ҳунук, нима гўзал эканлигини фарқлайдиган бўлади.

Болани ўзи яшаб турган жойнинг номи, қисқача тарихи, унда бунёд этилаётган иншоотлар билан таништириш, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг аввалги ва ҳозирги қиёфаси ҳақида сўзлаб бериш, таништириш орқали фикрини бойитиш фойдалидир.

Табиийки, болалар расм ва альбомлардаги воқеа, ҳодисаларни завқ-шавқ билан кузатадилар. Уз таассуротларини сўз билан ифода этадилар. Болалар кўпинча бошқа бўёқларга қараганда одми яъни қора, кўк рангларни ёқтирмайдилар. Шунинг учун улар расм чизиш чоғида ундан жуда кам фойдаланадилар. Очиқ ва майин рангли бўёқлар болаларда тетик, қувноқ, жўшқин кайфият уйғотади.

Болалар қуёш чарақлаб турган борлиқдан, яшнаб ва чаман-чаман гулларга бурканган кўринишдаги расмлардан кўз узолмай, узоқ тикилиб қоладилар. Улар худди ўзларини ана шу чаманзорда яйраб-қувнаб юргандек ҳис этадилар, завқланадилар. Аксинча, бўғиқ рангларга орқали тушунарсиз воқеалар акс эттирилган расмларга қиё боқмаслар ҳам келмайди. Расмлардаги воқеаларни ҳарчанд тушунтирманг, барибир болалар уларни ўқиб ололмайдилар. Рассомларимиз болалар қалбини тушуниб, мазмунли ва қизиқарли суратлар чизишда ана шуларни назарда тутсалар яхши бўларди.

Хуллас, болаларимизнинг ҳар томонлама камол топишида кузатиш муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда йилнинг ҳамма фаслида болалар табиатнинг мафтункор, гўзал манзарасини ва кишилар меҳнатини кузатишлари, расмлар орқали фикрларини ўстиришлари учун имкониятлар етарли.

Қ. АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари кандидати,
Н. АҲМЕДОВА,
Тошкентдаги 143-мактабнинг табиат ўқитувчиси.

«АРЗИМАС МАТОҲ» ЭМАС

Янгийўлдаги «Металлопластмасс» заводи Тюменга ғалати бир юк-минерал сув ва лимонад шишаларининг оғзини ёпадиган икки юз мингта полиэтилен тиқин солинган посилка юборди. Тюменликлар ёш корхонанинг 800-мижозлари бўлдилар. Завод ҳали битмаган бўлса-да, маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Унга мамлакатимизнинг Сахалин оролидан тортиб ғарбий районларигача жойлашган корхоналаридан кўплаб-кўп буюртмалар келган. Уларнинг ҳаммасига консерва банкалари оғзини ёпадиган енгил қопқоқ, шиша идиш тиқинлари зарур.

Ҳозир Янгийўлдаги завод тўрт хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Йил охиригача унинг қуввати 2,5 баравар кўпайиши керак. Бу ерда полимер моддадан қуйиб ясалувчи кронен тиқин ишлаб чиқарадиган янги цех очилмоқда. Бундай тиқин шампан виноси шишаларининг оғзини ёпишда ишлатилади; улар химиявий жиҳатдан барқарор ва газ ўтказмайди. Италияда ясалган машина-ускуна билан жиҳозланган автомат линияда шундай тиқин ишлаб чиқарилади. Цехни иккинчи кварталдан ишга туширишга қарор қилинди. Бу цех йилига 150 миллионта тиқин ишлаб чиқаради.

«Металлопластмасс» заводини 1975 йил охирига бориб тўла фойдаланишга топширишга қарор қилинди. Ўшанда завод 18 хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлади.

О. ПАНОВА,
(ЎзТАГ мухбири).

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ЕР ОСТИ «ТЎПЧИЛАРИ»

Шу тўпнинг отган «ўқи» бирор ерни бузмай, аксинча тузатади. Тўп бетон қоришмасини отади. Тинчлик куролидан учиб чиққан бетон шахта забойларида қазилган жой шипининг бир метрлик саҳнини шу заҳоти қоплайди.

Хайдархон симоб комбинатининг кончилари ер ости кон йўллари ишларини маҳкамлаш учун шундай тўпдан фойдаландилар. Улар руда қазишда ва янги забойлар тайёрлашда ҳар куни 150 метрдан ошиқ йўл қазиб ва унинг устини бетон билан қоплаб турадилар. Кўп бригадалар мана шу иш билан банддир. Энди бўлса бетон қоплаш «тўп» зиммасига юклатилди.

Ер ости «тўпчилари» хурсанд: иш анча тезлашди, маблағ ҳаражатлари бетонни опалубка воситасида қотиришга нисбатан етти баравар қисқарди.

А. КОМАРОВ,
(ТАСС мухбири).

Фрунзе.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эзлонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 85. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 03355.